

Date: 3rd June-2025

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ТАЛАБАЛАР ТОМОНИДАН
СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС
ПРОФИЛАКТИКАСИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Турғунбоев Сардор Пўлатжон ўғли

Аннотация. Ушбу мақолада профилактика инспекторининг шахснинг ҳаёти ва соғлигига қарши жиноятларнинг виктимологик профилактикасини ташкил этиш фаолиятининг этишнинг тушунчаси, аҳамияти, ўзига хос хусусиятлари, виктимологик профилактиканинг жабрланишнинг олдини олиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар барвақт профилактикасидаги ўрни ва аҳамияти, шунингдек профилактика инспекторининг шахснинг ҳаёти ва соғлигига қарши жиноятларнинг виктимологик профилактикасини такомиллаштириш юзасидалан илмий асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда амалиётдаги муаммо ва камчиликлар ўрганилган.

Жаҳонда ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишнинг таъсиран тизимини яратиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини сингдириш, профилактик ишларни мувофиқлаштириш, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизmlарини жорий этиш бўйича қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб ҳисобланади. Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш тизимини такомиллаштириш истиқболларини тадқиқ этиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда олиб борилаётган жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ўрни ва роли сезиларли даражада ошиди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолият мазмуни бутунлай ўзгарди. Ҳусусан мамлакатимизда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида ёрдамга муҳтоҷ аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базасини, жумладан «Темир дафттар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»ни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»ларини яратиш йўлга қўйилди.

Ўтган давр мобайнида республикамизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, бу борадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи яхлит норматив-ҳуқуқий база шаклланди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг самарали фаолияти натижасида мамлакатда ҳуқуқ-тартибот мустаҳкамланиб, криминоген вазият сезиларли даражада яхшиланди. Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини ташкил этиш услубларини тубдан ўзгартириш, қонун бузилиши ҳолатларини фош этиш ва чоралар кўриш эмас, балки мазкур ҳолатларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикасини таъминлашни ушбу идораларнинг энг асосий

Date: 3rd June-2025



вазифасига айлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чоратадбирларининг самарали тизимини жорий этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятида ахборот- коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу соҳада эришилган ютуқлар билан бирга, бир қатор муаммо ва камчиликларнинг мавжудлиги Президент Шавкат Мирзиёев томонидан танқид остига олиниб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шартшароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора- тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги кутилаётган натижаларни бермаётганлиги таъкидланди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, жиноятларнинг содир этилиши сабаблари, шахсда ғайриижтимоий хулқ-атвор ва хусусиятларнинг шаклланишига ҳамда турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига, қонунга ёки қонун ижросига путур етказадиган омиллар жамиятдаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит таъсирида юзага келмоқда. Айниқса, шахсдаги ғайриижтимоий салбий хулқ-атвор аксарият холларда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хусусан ички ишлар органлари фаолиятига ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан қарши курашиш эмас, балки уларнинг барвақт профилактикасини амалга ошириш, ҳар бир жиноятнингadolати ва ҳақиқатини таъминлаш асосий талаблардан бири сифатида қўйилмоқда.

БМТнинг маълумотларига кўра, «2019 йил дунё бўйлаб ўтказилган тадқиқот натижалари, дунёдаги 35 % аёллар умри давомида ҳеч бўлмаса бир маротаба жисмоний, руҳий зўрликка дучор бўлганлигини кўрсатмоқда. 2018-2019 йилларда дунёда аниқланган одам савдоси қурбонларининг 72% ни аёллар, жумладан вояга етмаган қизлар (23 %), шу билан бирга, болалар савдосининг ҳар беш қурбонидан тўрттасини қиз болалар ташкил этган» лиги боис, шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикасининг методологик асосларини такомиллаштириш, мазкур тизимни ривожлантириш, шахснинг бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг самарали механизmlарини ишлаб чиқиш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси, уни жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатдан ҳуқуқий тартибга солишининг ўзига хос йўналишларини аниқлаш асосида мазкур соҳани такомиллаштириш, миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш ва бу борада давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш тенденцияси кузатилмоқда. Жумладан, жиноятчиликка қарши курашиш, зўрлик феноменининг вужудга келиши, зўравон шахснинг хусусиятлари, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш, мазкур жиноятларнинг криминологик, виктимологик тавсифи, аҳоли виктимлиги даражасини аниқлаш, шахсни

Date: 3rd June-2025

зўравонликдан ҳимоя қилишнинг самарали чораларини ишлаб чиқиш, бу борадаги халқаро ҳукуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш долзарб ҳисобланади.

Таҳлиллар бугунги кунда шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларнинг, хусусан қотилликнинг 28 фоизи, қасддан баданга шикаст етказишларнинг 20 фоизи, ҳақорат қилиш ва тұхматнинг 12,5 фоизи айнан оила-турмуш муносабатлари доирасыда содир этилаётгандығын күрсатмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев: «Оилаларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, әр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қызларимиз орасыда ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтироба солмоқда», – деб таъкидлаган эди.

Ички ишлар органларининг шахсга қарши жиноятларни олдини олиш фаолияти ҳар бир шахсга нисбатан индивидуал ёндашувни талаб этади. Бу, авваламбор, вояга етмаган жабрланувчиларга ҳам тааллуклидер. Масалан, виктимликнинг дастлабки босқичида профилактика қилиш муаммоси сүнгти йилларда бир неча марта күтарилди. Аммо ўсмирлар ва қызлар орасыдаги виктимологияк профилактикаға нисбатан табақалаштирилған ёндашувнинг зарурлиғи бу ҳолда ҳам жуда кам тилга олинди. Юқорида қайд этилған умумий, бир хил ёндашув бу ерда ҳам етакчилик қиласы. Беқарор оиладан чиққан ўсмир ёки қызни рүйхаттаға қойиши, ўз вақтида чора күрганлик ҳақида раҳбариятта ҳисобот бериш ва шу билан ўсмир ёки қыз жабрланувчига айланғунга қадар профилактик таъсир күрсатышни тұхтатиши, ички ишлар органлари, авваламбор, вояга етмаганлар ишлари бўйича инспекция ходимлари ва участка нозирларининг мухим вазифасидир. Шунингдек, профилактиканинг барча субъектлари фаолиятини баҳолаш мезонлари, одатда, улар фаолият күрсатувчи шахс ижтимоийлашувининг маълум босқичи билан чегараланади.

Бунинг устига, вояга етмаганлар, айниқса, қызлар махсус ўқув-тарбия муассасаларига ёки колонияларга тушиб қолғач, баъзан ижобий ижтимоий фаолият кўнікмаларини орттириш зарурлигини идрок этиш лаёкатини йўқотиб қўймоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ёш болалик даврида зўравонликлардан жабрланиш ва зўравонликка дуч келиш ҳолатлари жиноятчи бўлиш эҳтимолини келтириб чиқаради. Бу, ўз навбатида, болаларга нисбатан зўравонлик қилиш ҳолатларини иложи борича дастлабки вақтларда аниқлаш ва улар виктимлигини олдини олишнинг аҳамиятини оширади.

Ушбу эҳтимол жинсий алоқа ва зўравонликнинг бошқа кўринишлари мавжуд бўлганида янада мураккаблашади. Уй шароитидаги доимий зўравонликнинг кўлами рўйхатлар ва маълумот базалари мунтазам равишда янгиланиб турилувчи бир неча мамлакатлардагина, жумладан, Буюк Британия ва АҚШда болаларни ҳимоя қилиш расмий агентликларига хабар қилинган болага нисбатан зўравонлик қўлланилиши ҳолатларининг кейинги 1-4 йил ичидә такрорланиш нисбати 5-24 %га teng экани аниқланган. Бир бола масаласи бўйича камида икки марта шикоят тушган ҳолатларда бу эҳтимол сезиларли даражада ортар экан.

Date: 3rd June-2025



Болага нисбатан оилада зўравонлик кўлланилиши бошқа муҳитлардаги зўравонликлар ортиб бориш хатари билан боғлиқ бўлиб, Буюк Британияда ўтказилган тадқиқотда аниқланишича, хонадонда зўравонликнинг гувоҳи бўлган болаларнинг ўзлари безориликдан жабр кўришлари эҳтимоли юқори бўлар экан. Италияда бошланғич ва ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган тадқиқотда аниқланишича, мактабда безориликнинг жабрланувчиси бўлиш ўз уйидаги ота-оналар томонидан зўравонликка гувоҳ бўлиш билан узвий боғлиқ экан. Бу айникса қиз болаларда кўпроқ учраши аниқланган.

Ички ишлар органларининг шахсга қарши жиноятларнинг маҳсус ва индивидуал профилактикаси ҳам ўзига хос хусусият ва аҳамиятга эга бўлиб, виктимологик профилактиканинг бу тури, зўрлик билан содир этиладиган жиноятлардан мудофаани таъминлаш мақсадида фуқароларнинг қriminologik онг ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишларни кўпайтиришни тақозо этади. Бу, аввало, ҳар бир потенциал жабрланувчи қriminologik вазиятнинг салбий оқибатларини олдини олиш учун зарур чораларни кўриш принципига асосланади.

Е.О.Алауханов ва З.С.Зариповлар томонидан маҳсус (якка) тартибдаги виктимологик профилактикани, виктимлиги юқори бўлган шахсни аниқлаш ва у билан тарбиявий чора-тадбирларни ўтказиш, унинг жиноятдан жабрланиб қолиш ҳавфини камайтиришдан иборат чора-тадбирлар тизимини ташкил этади, деб таъкидлайди.

Кriminologik вазиятни реал баҳолаш нафакат воқеалар салбий ривожланганда тўғри ҳаракат қилиши, балки фуқароларни эҳтиёткорликка чақириш ва етказилиши мумкин бўлган оқибатларни олдини олиш ёки камайтиришга хизмат қиласди. Аммо ҳавфли вазиятларни кўра билиш ва уларни баҳолай олиш барчада бир хил эмас. Бундай камчилик индивидуал виктимликнинг асосий белгиларидан бири бўлиб, виктимизациянинг олдини олиш мақсадида уни ривожлантиришга хизмат қиласди.

Шахснинг ҳавфли вазиятларга тушиб қолиши мумкин бўлишининг имкони бўлмаса-да, бундай вазиятларга нисбатан муносабатда бўлиш ва иммунитет ҳосил қилиш зарур. Бу потенциал ҳавфни реал баҳолаш, ўзини бошқара олиш ва хатти-ҳаракатларининг оқибатларини англашга олиб келади.

Шахс ўзининг ҳавфли вазиятлардаги камчиликларини билиши, бундай вазиятларга тушиб қолиши эҳтимолининг юқорилигини англаши потенциал жабрланувчи зарурий мудофаасининг руҳий қуроли бўлиб хизмат қиласди.

Ички ишлар органларининг шахсга қарши жиноятларни олдини олиш фаолиятини ташкил этишда оммавий ахборот воситалари орқали берилган ахборотни идрок этиш ва ўзлаштириш осонроқ ва қулайроқ эканини ҳисобга олиб, бундай йўсингдаги тавсияларни осонгина эслаб қолиши имконини берадиган тавсиялар ишлаб чиқиш лозим. Бунда одамнинг ҳаёт тарзига хос бўлган турли вазиятлар ва шароитларда унга хужум қилинишининг эҳтимол тутилган варианtlарини таҳлил қилиш учун самарали ва мақбул бўлган ҳимоя усулларини

Date: 3rd June-2025



ишилб чиқиши таклиф этилади. Айниұса, виктимоген вазиятларда ҳаракат қилиш тажрибасига әга бўлган кишиларнинг маслаҳатлари фойдали ва ишончга сазовор бўлиши лозим.

Хориж мамлакатларида аллақачон амалиёт синовидан ўтган бундай чоратадбирларнинг ижобий самараси шу билан белгиланадики, эҳтимол тутилган виктимоген вазиятда ўз хулқ-авторини олдиндан ишилб чиқиши жараённида инсон онгиға ҳаракатларнинг муайян алгортми кириб ўрнашади ва реал хаётда бу шахс билан шунга ўхшаш бирон-бир воқеа юз бергудек бўлса, бу тажовузнинг дастлабки шикастли таъсирига нисбатан енгилроқ кечади. Бундан ташқари, эҳтимол тутилган криминал вазиятларга реал баҳо бериш одамларда эҳтиёткорликни кучайтирадики, бу баъзан юқорида кўрсатилган вазиятларнинг юзага келишини олдини олади.

Айрим психологик қонуниятларни билиш ҳам низоли вазиятни четлаб ўтиш имконини беради. Баъзан тажовузкор хулқ-авторда даргазаблик, рақибнинг тажовузкор кўрсаткичи сифатида намоён бўлиши мумкин. Унинг ўзини тутиши таҳдид солувчи кўриниш касб этади, шахс худди ташланишга тайёрланадигандек бўлади. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, даргазаблик ҳолатида инсон кучига куч қўшилганини ҳис қиласи, янада серғайрат ва серзарда бўлиб қолади. Бу ҳолатда у жисмоний ҳаракатга эҳтиёж сезади ва шунинг таъсирида баъзан жиноий зўрлик ишлатади.

Шуни қайд этиш лозимки, жиноятчиликнинг расмий статистикасидан ташқари, аҳоли ўртасида аноним тарзида ўтказиладиган сўровлар жиноятчиликнинг миқёси, тақсимланиши ва ривожланишини аниқлаш имконини беради; турли жиноятлар бўйича виктимлашув даражасини намойиш этади; жиноятчи билан жабрланувчи ўртасидаги муносабатларни ва уларнинг ижтимоий-демографик белгиларини кўрсатади; виктимлашув амалда етказган зиёнга баҳо бериш; унинг хавфлилик даражасини аниқлаш; айрим жабрланувчилар ўзларига нисбатан содир этилган жиноят ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга арз қилишдан бош тортишининг сабабларини тушунтириш; жиноий адлия органларнинг ишига баҳо беришга кўмаклашади.

Ҳуқуқбузарлар ва жиноятлар виктимологик профилактикасиға кенг жамоатчиликни жалб этишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш дунёдаги қўпчилик давлатлар, хусусан, Буюк Британия, АҚШ, Канада, Германия ва Австралия шаҳарларида кузатилади. Республикамизда шунга ўхшаш дастурлардан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг «Хавфсиз шаҳар» аппарат-дастурий комплекси ишилб чиқилиб, унинг имкониятларидан Тошкент шаҳрида кенг фойдаланишга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қай даражада профессионал ва қўп сонли бўлмасин, жиноятчиликка қарши фақат уларнинг кучи билан кураш олиб бориш мумкин эмаслиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Мазкур органлар фаолияти жиноятчиликка таъсир ўтказиш жараённида жамоатчилик (турли-туман шаклларда) иштирок этган тақдирдагина самарали бўлиши мумкин.

Date: 3rd June-2025



Жиноятлар виктимлигини профилактика қилишда бир-бирини кўллаб-куватлаш шахсларнинг бирлашувидан ташқари, амалий виктимологиядан таълим курсларини ташкил қилишида ўз самарасини бериши мумкин. Чет эл тажрибасида бу мавзудаги маъruzалар бугунги кунда деярли барча ўкув юртларида ўқитилишидан далолат беради. Ҳатто, мактабгача тарбия муассасаларида ҳам болалар содда, ўzlари тушунишга қодир бўлган даражада турли-туман хавф-хатарлардан қутулиб қолиш ҳакида фойдали ахборотлар оладилар.

Назарий курсдан ташқари, мактаб ўқувчилари ва талабаларда маҳсус тренинглар ўтказиши: ўзини ўзи ҳимоя қилиш усуllibарини ўзлаштириш, турли ҳимоя воситаларини қўллаш усулини маромига етказиши имконияти мавжуд.

Кўпгина мамлакатлар тажрибасидан кўриш мумкинки, ҳамма учун муҳим бўлган умумий мақсадлар ва вазифаларни аниқ белгилаш ва ҳатто, турли рағбатлантириш чораларидан фойдаланиш бундай жамоатчилик ҳаракатига бутунлай ўзгача тус беради.

Шуни тан олиш керакки, жиноятлар виктимлигининг маҳсус профилактикасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги дастурлари Ўзбекистонда бу даражада кенг ривожлангани йўқ. Аммо бундай алоқаларни йўлга қўйиш ва жиноятлар виктимлигига қарши курашишда бутун жамиятнинг куч-ғайратини бирлаштиришга уринишларни ҳозирги вақтда ҳам кузатиш мумкин. Бунга фуқаролар жиноятларни тўхтатиш ёки фош қилишга кўмаклашувчи маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга аноним тарзда хабар қилишлари учун ўрнатилган «ишонч телефонлари»; томошибинлар хавфсизликни таъминлаш усуllibарни билан таништиришга бағишиланган «Суд ҳокимияти» ёки «Бир жиноят изидан» каби маҳсус телевизион кўрсатувларнинг тайёрланиши ва намойиш этилиши; виктимоген вазиятларни четлаб ўтиш йўллари ва виктимологик профилактикага доир матбуотда эълон қилинаётган мақолалар; жиноятдан ҳимояланишга бўлган ҳуқуқнинг мазмuni ва уни рўёбга чиқариш йўлларини тушунтирувчи илмий-оммабоп рисолаларнинг нашр этилиши кабилар мисол бўлиши мумкин.

Фикримизча, бундай тадбирларнинг бош мақсади аҳолида жиноятлар виктимлигига қарши курашиш тажрибаси, ўз кучига ва давлат мададига ишонч пайдо бўлишига, бинобарин, жиноятчилик олдида қўркув сезиларли даражада пасайишига эришишдан иборатдир.

Жамоат жойларида зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлашувнинг маҳсус профилактикасини олиб бориш учун одамлар кам бўлган жойларнинг яхши ёритилишини таъминлаш; ертўлалар, чордоқлар ва бошқа шунга ўхшаш жойларни қулфлаш ва вақти-вақти билан текшириш; девиант хулқ-авторга мойил бўлган шахслар йиғиладиган жойларни аниқлаб, бундай жойларни профилактика инспекторларининг бўлинмалари томонидан доимий назорат қилиш лозим.

Date: 3rd June-2025

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг «Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Қонуннинг 10-моддасига асосан ички ишлар органлари:

хукуқбузарликларнинг, уларни содир этган шахслар ва хукуқбузарликлардан жабрланувчиларнинг ҳисобини юритиш, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга ошириш; ижтиомий реабилитация қилиш ва ижтиомий мослаштириш чоратадбирларини кўриш; хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш каби вазифаларни амалга оширадилар.

Жиноятлардан жабрланганларга нисбатан жамиятнинг муносабатини ўзгартириш доирасида ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг уларга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш, айниқса, долзарб аҳамият касб этиб, бу муҳим йўналиш жабрланувчиларга ўта эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни, ўзаро ҳурмат ва шериклик муносабатларини, уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни зарурий (масалан, жабрланувчиларнинг ҳукуқлари, ишни тергов қилиш жараёни, заарнинг қопланишига эришиш имкониятлари тўғрисида) ахборотлар билан таъминлашни назарда тутиши лозим.

Шунингдек, виктимологик профилактиканинг ахборот базасини яратиш ҳам энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланиб, бунда сўз, энг аввало, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларда жиноятлардан жабрланганлар ҳисобини тўлиқ ва ягона юритиш тизимини яратиш ҳақида боради. Хусусан, ички ишлар органларининг ҳисоботларида статистик ҳисоб юритишнинг айрим шаклларига аниқлик киритиш, улардан жабрланувчилар ҳақида янада кенг ва дифференциациялашган маълумотлар олишига эришиш зарур.

Жиноятчилик статистикасининг тўлиқ эмаслиги сабаблари ҳам ҳар хил бўлиб, улар объектив ва субъектив омилларни ўзида бирлаштиради. Умуман олганда, улар жумласига жиноятларни рўйхатга олиш сиёсати ва амалиётини, жиноят ишларини қўзгатишни рад этиш амалиётини ва бундан келиб чиқадиган зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар латентлик даражасининг ўсишини киритиш одат тусини олган. Омилларнинг бу тўлиқ бўлмаган рўйхати пировард натижада фуқароларнинг ҳукуқни муҳофаза қилиш органларига бўлган ишончини йўқолишига олиб келади, натижада уларнинг қўпчилиги ўзларига нисбатан содир этилган жиноятлар ҳақида арз қилишдан воз кечадилар.

Бундай тадқиқотларнинг натижалари статистик ахборотда мавжуд бўшликлар ўрнини тўлдириш имконини беришини, виктимлашув шакллари ва кўлами ҳақидаги тасаввурларнинг ишончлилик даражасини оширишини қўрсатади. Фикримизча, бундай профилактика ишларини олиб бориш нафақат ҳукуқ, балки педагогика ва психология соҳасида ҳам муайян тайёргарликка эга бўлишни талаб этади. Масалан, АҚШда полиция ходимларини тайёрлаш курси албатта оиласвий қriminология, болалар психологияси муаммоларини ўрганишини ўз ичига олади. ИИВ органлари амалга ошираётган профилактика ишининг самарадорлиги ходимларнинг психологик ва педагогик малакасига боғлиқ эканига ишончимиз комил.

Date: 3rd June-2025

Д.А.Шестаков кузатувларига қараганда, ички ишлар органлари ходимларининг бундай тайёргарлик даражаси уларнинг юридик тайёргарлик даражасига қараганда 10-11 баравар пастроқ баҳоланиши мумкин.

Ички ишлар органларининг шахсга қарши жиноятларнинг маҳсус виктимологик профилактикасини ҳуқуқий тартибга солиш учун жиноят-процессуал қонун хужжатлари ўз навбатида, у терговга қадар суриштирув органлари, терговчи, прокурорга, шунингдек судга жиноят ишлари бўйича зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг сабабларини ва уларга имкон берадиган шартшароитларни аниқлаш ва бартараф этиш учун тақдимномалар киритиш, хусусий ажримлар чиқариш йўли билан чоралар кўриш мажбуриятини юклайди.

Шунингдек, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлигининг маҳсус профилактикасида жиноят-ижроия ҳуқуқи ҳам муҳим роль ўйнайди. Бунда жиноятлар содир этганлик учун судланган шахсларни озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилиш тартибини, уларни ижтимоий реабилитация қилиш ва жамиятга мослаштириш, шу жумладан, уларни ишга жойлаштириш, туар жой билан таъминлаш масалаларини, уларнинг устидан кузатув олиб бориш тартибини белгилайдиган нормалар алоҳида аҳамият касб этади.

Виктимологик профилактиканинг маҳсус олдини олишнинг яна бир вазифаси виктимологик профилактикага доир кенг кўламли мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш бўлиб, бу дастурлар жиноий тажовузларнинг аниқ ва эҳтимоли бўлган жабрланувчиларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар дастурининг жиноятчиликка қарши кураш дастури билан узвий боғланганлигидир.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш, ҳуқукий тарғибот шакллари ва усулларини такомиллаштириш ҳам зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлигининг маҳсус профилактикасида муҳим роль ўйнайди. Бу аниқ ва эҳтимоли бўлган жабрланувчиларни ҳимоя қилишда тарбиявий ва профилактик тадбир сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Криминолог олимлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари жиноятчилик географияси ва типологиясини таҳлил қилиш натижаларига таянишга одатланганлар. Бундай таҳлил жиноятларни тўхтатиш, очиш ва тергов қилиш билан бир қаторда, уларнинг олдини олиш учун, шу жумладан виктимологик профилактика учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Айни шу сабабли, бундай таҳлил натижаларидан фуқароларга криминологик таълим бериш, аҳолини жиноий тажовузлардан ўзини ўзи ҳимоя қилиш усулларини ўзлаштиришига эришиш мақсадларида фаол фойдаланилиши мумкин.

Хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш натижасида профилактика хизмати бўлинмаларининг функцияларини кенгайтириш ёки зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноят жабрланувчиларининг виктимологик профилактикаси билан шуғулланадиган маҳсус бўлинмаларни ҳам ташкил этиш лозим. Ҳозирги вақтда виктим хулқ-атвор профилактикаси учун жавоб берадиган мустақил ихтисослаштирилган хизмат мавжуд бўлмай, мазкур фаолият қонун хужжатлари билан муфассал тартибга солинмаган.

Date: 3rd June-2025

Назаримизда, мавжуд профилактика хизматларининг функциялари кенгайтирилиши ёки виктимологик профилактика учун жавоб берадиган янги ихтисослаштирилган бўлинмалар ташкил этиш йўлидан борилиши лозим.

Бундан ташқари, «Виктимологик профилактика» ягона электрон порталининг ишини ташкил қилиш орқали жиноятлар виктимлигининг олдини олиш билан шуғулланувчи ташкилотларнинг ахборот алмашуви механизmlарини яратиш, шу жумладан, мавжуд маълумотлар ва жорий воситалархатловдан ўтказилади. Ушбу портал ўз ичига ҳар бир фуқаронинг паспортизация асосидаги маълумотларини олади.

Индивидуал виктимологик профилактиканинг имкониятлари ва истиқболлари шунга асосланади, жиноятдан (реал ва потенциал) жабрланганларнинг аниқ ифодаловчи иқори, жами шахснинг эга бўлган шахсий ва хулқий тавсифининг шартлиги юқори виктимлигини келтириб чиқаради. Индивидуал виктимологик профилактиканинг мақсади шахснинг виктим хусусиятлари ва сифатларини ўрганиш орқали унинг хулқ-атворини ўзгартиришга қаратилган ижобий ишларни амалга ошириш, шунингдек девиктимлашув жараёнини таъминлашдан иборатdir.

Виктимологик профилактиканинг бир йўналиши виктимология фанининг яхлитлиги ва виктимологик башорат қилишнинг базаси бўлиб ҳисобланса-да, жабрланувчилар бир хиллик массасини ташкил этмайди. У ёки бу ижтимоий-психологик хусусиятларнинг жами ҳар хил типологик груптарнинг ўзига хослиги билан ажralиб туради. Кўпинча бу тавсифлар жуда жиддий равишда қарамликка эгалиги, содир этилган жиноятнинг характеристи, далиллар келтириш ва жиноий вазиятларда жабрланувчиларнинг хулқий характеристи ва бошқа факторларга эгадир.

Шулардан келиб чиқиб, Д.В.Ривман жабрланувчиларнинг хулқий характеристига қараб қўйидаги умумий дастлабки турлари бўйича индивидуал виктимологик профилактика олиб бориш кераклигини кўрсатиб ўтади: тажовузкор типи (жабрланувчининг атайлаб шунга мажбурлаб тўқнашув чиқаришида намоён бўлади); фаол типи (бунда жабрланувчилар хуқуқбузарни тўқнашув орқали эмас, балки ўзига шикаст етказиш, ахлоқсиз ёки бошқа жиноятга оид бўлмаган ҳаракатлар орқали намоён қиласидилар); ташаббускорлик типи (жабрланувчиларнинг хулқи ижобий характеристега эга бўлиб, аммо ўzlari учун бу ҳолат хавфли ҳисобланади); пассив типи (жабрланувчилар оддий сабабларга кўра жиноятчига қаршиликлар кўрсатмайдилар); танқидий тип (бунга оқибатини ўйламайдиган, вазиятни баҳолай олмайдиган жабрланувчилар киради); нейтрал тип (хеч қандай жиноий ҳаракатни келтириб чиқармайдиган хулқقا эга бўлган жабрланувчилар киради).

Профилактик тадбирларни ахборотлар билан таъминлашни ташкиллаштириш виктим профилактика хулқига ва зўрлик жиноятларининг хавфли оқибатларини олдини олишга хизмат қиласиди. Шунингдек, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ташкилотларнинг ҳаётга татбиқ этиладиган умумий режаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишнинг профилактик ахборот асосида, аниқ худуд, унинг сабаб ва шароитлари, жиноятларни амалга оширувчи шахслар билан доимий мулоқотда бўлиш, уларнинг юқори виктимлигини кўрсатиб турувчи ижтимоий-рухий

Date: 3rd June-2025

сифатларини ҳамда ўта хавфли вазиятларда жиноят содир этган жиноятчилар ҳақида маълумотларга эга бўлиб туриш талаб этилади.

Профилактик фаолият ҳар доим турли хилдаги маълумотларни ажратишни маъқул кўради. Бунда жами жиноятлар профилактикасини олиб борадиган орган ва ташкилотларнинг ахборот тизими ташкиллаштириб борилади. Бундай мустақил маълумотларнинг ажратилиши субъектларнинг йўналтирилган профилактик фаолияти ва уларнинг ўзига хос объектларини аниқлаштиради. Булар ким, қачон, қаерда ва қандай қилиб зўрлик жиноятларининг жабрланувчиларига айланишди? деган саволларга аниқ ва тўлиқ жавоб бера олиши; бу билан боғлиқ ҳолатда жабрланувчиларнинг виктимлик сифати, улар қараашларининг пайдо бўлиши; уларнинг ўзига хос виктим хулқи хусусияти нимада акс этиши; қандай чора, қайси алоқада ва қай тартибда шу турдаги зўрлик жиноятлари профилактикаси учун зарур бўлган қўшимча маълумотлар кераклиги аниқлаштирилади. Индивидуал ва умумий виктимология учун ягона восита бўлиб, хавфли вазиятни нейтраллаштириш хисобланади.

Жиноятлар виктимлиги индивидуал профилактикасининг мақсади – жиноятлардан жабрланишнинг муайян сабабларини бартараф этишdir. Фикримизча, шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлардан виктимлашишнинг даражасини камайтириш муаммосини ечишга нисбатан комплекс ёндашув, жиноятлар виктимлигининг индивидуал профилактикаси ҳажмини янада кенгайтириш ва унинг сифатини яхшилаш бўлиб, бу қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутади:

- 1) жиноят содир этиши мумкин бўлган грухлардан бўлган шахсларни тўлиқ аниқланишини таъминлаш;
- 2) яшаш жойи бўйича ихтисослаштирилган жамоат ташкилотларини жалб килиш ва хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари билан яқин ўзаро алоқани йўлга қўйиш;
- 3) ижтимоий назорат ва хукуқбузарларга таъсир ўтказиш хукукий чоралари ўз вақтида қўлланилишини ва уларнинг одилоналигини таъминлаш.

Муаммони тадқиқ этиш жараёнида аниқланишича, индивидуал профилактикани амалга оширишда шахсни башорат қилиш бўйича баҳолаш учун асос сифатида олиш мумкин бўлган мезон-белгиларни танлаш, айниқса, мушкул вазифа хисобланади.

Шахсга нисбатан зўрлик ишлатиб жиноят содир этиш эҳтимоли борлигини аниқлайдиган объектив белгилар қаторига қўйидагилар киради:

- 1) айни бир шахслар билан такрорланувчи зиддиятлар ва уларни зўрлик ишлатиш йўли билан ҳал этишга мойиллик;
- 2) жамоат тартибини бузувчи ҳаракатлар, шу жумладан, муштлашиш, фуқароларни ҳақорат қилиш, аёлларга нотўғри муносабатни намойиш этишга мойиллик;
- 3) совук ёки ўқотар куролни ясаш, эгаллаш, қонунга хилоф равища сақлаш ва олиб юриш;

Date: 3rd June-2025

- 
- 4) майда безорилик, муштлашувлар учун маъмурий жавобгарлика тортимиш;
 - 5) бегона шахсларни ёки ўз қариндошларини ўлдириш ёки баданга оғир шикаст етказиш билан қўрқитиши, уриб дўппослаш;
 - 6) зўрлик ишлатиб содир этиладиган ҳаракатлар билан боғлиқ жиноят учун судланганлик;
 - 7) алкоголли ичимликлар ва гиёхвандлик воситаларини сурункали истеъмол қилиш, бунинг натижасида шахсда зўравонлик майлларини пайдо қиласди.

Агар зиддиятли вазият вақти-вақти билан гоҳ кучайиб, гоҳ сусайиб турса, эпизодик чора кўриш мақсадга мувофиқдир. У, одатда, ички ишлар органлари, профилактика инспекторлари ва жамоатчилик вакиллари томонидан амалга оширилади.

Бундан ташқари, субъектив белгилар, хусусан, шахснинг қўрслик, тажовузкорлик, уришқоқлик, ўч олишга мойиллик сингари салбий хусусиятлари, бузук эҳтиёжлари (ичкиликбозлик, гиёхвандлик, майший бузуқлик кабилар), мазкур эҳтиёжларни қондириш воситаларини танлашда эътиборсизлиги, алоҳида касалликлари (алкоголизм, гиёхвандлик, психопатия, жинсий майлдаги бузилишлар) ҳам ҳисобга олиниши лозим.